

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 30-sentabr, shanba № 78 (9039)

## ЎЗБЕКИСТОН ҲИТОВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадри ва муҳтарам устозлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда устоз эканми, биринчи навбатда қадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимида намоён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва муътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилақларимизни ихзор этамиз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон

узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва ҳазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ҳиТОВЧИ ва мураббийлар том маънода фидойи касб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз қамолида ҳиТОВЧИ ва мураббийларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини яхши биламиз ва сиз-

ларнинг бу улуг хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017—2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожига бўла, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 сентябрь кун Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни қутлар экан, Рус православ черкови раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аёнанавий яқин ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим воқеа эканини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий ва юқори даражадаги фаол мулоқот барча йўналишлардаги амалий ҳамкорликка жадал суръат бағишлагани, икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Патриарх Кириллнинг ташрифи мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 конфессия вакиллари бир оиладек аҳил-иноқ яшамоқда. Уларнинг ўз маданияти, аёнана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда 138 миллий маданий марказ фаолият юритмоқда, Тошкентда Дўстлик уйи ва боғи барпо этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган.

Ёшлар ўртасида диний таълим ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Тошкент ислом университети ва институти, 9 мадраса, православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкент шаҳрида Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жоҳоллатга барҳам бериш мақсадида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббусини илгари сургани қайд этилди.

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл миллатлараро тинчлик-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди.

Ўзбекистонда Рус православ черкови фаолиятига кўрсатилётган эътибор ва қўмак, христиан динига эътиқод қилувчиларнинг тўлақонли маънавий ҳаёти йўлида яратилган шароитлардан гоёат хурсанд бўлганини таъкидлади.

Патриарх Кирилл Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонга ташриф тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

Рус православ черкови Ўзбекистон – Россия муносабатларини мустаҳкамлашда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш, маънавий кадриятларимизни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга қўмаклашишга тайёр экани қайд этилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ҲИТОВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ҲРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси халқ ҳиТОВЧИСИ”**

Воҳидова Назоқат Шариповна — Шаҳрисабз туманидаги 78-умумий ўрта таълим мак-

табининг бошланғич синф ҳиТОВЧИСИ, Қашқадарё вилояти

**Гафарова Фируза Джалаловна** — Самарқанд шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ҳиТОВЧИСИ, Самарқанд вилояти

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”**

**Марахимов Икрамжон Абдурахимович** — Тошлоқ туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ҳиТОВЧИСИ, Фарғона вилояти

**Шапулатов Зиядулла Ишқулович** — Ангор туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ҳиТОВЧИСИ, Сурхондарё вилояти

(Давоми 2-бетда.)

## Юксак эътибор ва эҳтиром рамзи

**“Туркистон” санъат саройида ҲиТОВЧИ ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.**



5-бетга қараш.



# ЎЗБЕКИСТОН ҲАМРАЎЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни шу мақсадда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирилар Маҳкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 74 та фармони, қарор ва фармойиши қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир.

Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган бу ҳужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон бахш этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизга суюнамыз.

Бугунги кунда биз замон талаби ва халқимизнинг хоши-иродасидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизимида улкан ислохотларни амалга оширишга киришдик. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, 5 та янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этиш, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сиртки бўлимлар очиш, мактаб-гача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш, педагог кадрлар ва халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган,

узокни кўзлаган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар, албатта, ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида шу кунларда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, "Астрономия ва аэроавиатика" боғи ташкил этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг нуфузли Вебстер университетининг филиали очилиши ҳам илм-фан ва таълим соҳасида илғор хорижий таълим ва инновацияларни жорий этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Айни вақтда биз таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўлган ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва улар-

нинг ечимини устида доимий иш олиб борамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-бирдан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечимини айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламыз.

Жумладан, бутун инсониятни таъшишга солаётган терроризм ва экстремизм каби бало-қазоларни бартараф этишда фақат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда бу таҳдидларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгу инсоний идеаллар руҳида камол топтириш энг асосий вазифага айланмоқда.

Айнан ана шундай ёндашув Ўзбекистон томонидан нуфузли халқаро саммитларда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 72-сессиясида алоҳида таъкидлангани сизларга яхши маълум, албатта.

Бу борада биз илгари сураётган "Жаҳолат ва зўравонликка қарши маърифат билан курашамиз" деган гоя ва ташаббус халқаро майдонда катта эътибор ва қизиқиш уйғотмоқда ҳамда қўллаб-қувватланмоқда.

Ишончим комил, халқимиз зиёдиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнатилган намуна бўласизлар.

Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли меҳнатингизни муносиб қадрлаш учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёрмыз.

Сизларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сыхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Доимо соғомон бўлинг, азиз устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Акрамова Дилоромхон** — Наманган шаҳридаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Ахунов Уктамжон** — "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси

**Кенжабоев Мирза Тўйчиевич (Мирзо Кенжабек)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон

**Литвинова Ольга Ивановна** — Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Пақ Ларина Михайловна** — Зомин туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Уватов Убайдулла** — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози"

**Тангрибергенов Хамид Эркинович** — Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича мураббийи

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, чуқур билим ва замонавий касб-хунарга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, мустақил фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас, иқтидорли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарби-

ялашдаги катта хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

### "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Базарова Дилором Маматқулловна** — Жомбой туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Нурллаева Гулчехра Атабаевна** — Хива туризм касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Эшанкулова Зоя Эрмановна** — Охангарон туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

### "Меҳнат шухрати" ордени билан

**Абдуллаев Муҳтор Саъдуллаевич** — Янгиаприк туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Абдуллаева Малика Эркиновна** — Учтепа туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Арзуова Несибели Жандуллаевна** — Нукус политехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Зиядуллаева Малоҳат Эгамбердиевна** — Бахмал туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Соатова Бувалма Умирзаковна** — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Султанова Насиба Мухаммаджановна** — Поп туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тўраев Баҳодиржон Курбанович** — Ўзбекистон агросаноат касб-хунар коллежининг мах-

сус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Турдиева Зулфия Султановна** — Олмалик шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Халилова Мамлакат Камоловна** — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Хасанова Мухтарам Урушона** — Боёвут туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сирдарё вилояти

**Холжигитов Турғун Абдуназарович** — Булунғур қишлоқ ҳўжаллиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Цой Галина Тимофеевна** — Бўз туманидаги 26-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

**Чоршамиев Хасан Оманович** — Олтинсой туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Эшимов Бахтиёр Раҳматуллаевич** — Навоий давлат педагогика институтини қoшидаги академик лицейнинг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Осупова Хилола Жураевна** — Касби туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

### II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

**Калимбетов Баҳадир Уразханович** — Қорақалпоғистон Республикасидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

**Мўминова Наргизахон Абдуназаровна** — Қўрғонтепа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Холмунинова Мохира Тошмуратовна** — Қарши шаҳридаги "Муруват" ноғирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

(Давоми 3-бетда.)



2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФармониЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА  
АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда.)

## “Дўстлик” ордени билан

**Бекниязов Рустембай Исакович** — Кегейли туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бозорова Шоира Рамазоновна** — Ромитан туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Боймуродов Абдусодиқ Уралович** — Зомин туманидаги 75-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Давлетжанова Ойгул Кадамовна** — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Закирова Барчиной Ташпулатовна** — Аска педагогика ва дизайн касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Каримова Лайло Саидовна** — Навоий шаҳридаги Мехрибонлик ўйи тарбиячиси, Навоий вилояти

**Кириллова Елена Николаевна** — Урганч туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Мелибоева Гулнорахон Исмоиловна** — Данғара туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Сайбова Наргул Мамараимовна** — Шўрчи туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сурхондарё вилояти

**Солиева Умида Толибжановна** — Наманган туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Тен Елена Хакесовна** — Юқори Чирчиқ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Халикулов Пардабой** — Ховос туманидаги Гулбахор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Шибаккина Любовь Александровна** — Чилонзор туманидаги 280-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юлдашева Гуландом Қудратовна** — Яқкабўғ туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

## “Шухрат” медали билан

**Абдиев Рустам Аблакулович** — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Абдиева Музафара** — Пастдарғон туманидаги 28-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Самарқанд вилояти

**Абдуллаев Бехзод Нигматуллаевич** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ўзбек халқ чолғулари бўлими махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Абидов Мирюсуп Мирхайдарович** — Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

**Алиева Дилбар Эркиновна** — Янгибозор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Аскарот Котибхон Асрорович** — Тўрақўрган қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Астанакулова Лола Нартажиевна** — Термиз туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ахадова Дилором Тошпулатовна** — Шофиркон туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ахмадалиева Мукарамхон Шукуралиевна** — Бағдод туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ахмедова Замира Широнова** — Бухоро шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори, Бухоро вилояти

**Баирбекова Ханифа Гаибназаровна** — Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Бегибоев Мираҳмад Раҳманович** — Фаллорол туманидаги 87-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Бозоров Юсуф Бехбудович** — Жондор туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Бозорова Замира Қосимовна** — Қарши шаҳридаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Валиева Табасумхон Собировна** — Избоскан туманидаги 42-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

**Есимбетова Гулмира Абатбаевна** — Хўжайли транспорт касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жаманкулова Феруза Эсиргаповна** — Иштихон туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Жугинисова Ҳализа Исаевна** — Қораўзак туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Игамов Бахтиёр Джураевич** — Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Имомова Зилола Ортиқовна** — Бувайда туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ишонкулова Фароғат Элмуродовна** — Китоб туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Каримова Шахло Ахатовна** — Мирзо Улугбек туманидаги 105-махсус мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Мардиева Валерия Шамилевна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

**Матжанов Халбай Айтмбетович** — Тўртқўл туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг қашқар рубоби синфи ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матмуратов Тазахан Бегдуллаевна** — Мўйноқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Матназарова Интизор Саъдуллаевна** — Ботот туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Муллабоева Тожибар Нурматовна** — Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мўминов Машад Аламанович** — Косон туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мусурмонов Сунатулла Маматқулович** — Шароф Рашидов туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Мухторова Раъно Мўминжоновна** — Пискент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Назарова Иродахон Зайниддиновна** — Олтиарик туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Нишоннов Шухратжон Холдаралиевич** — Мингбулок туманидаги 32-умумий ўрта таълим

мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Нуриддинова Мархабо Собировна** — Уйчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Отаева Махфурат Музафаровна** — Ғиждувон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Пулатова Зулфия Расуловна** — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Рахимов Гавхар Исмоиловна** — Наманган шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Ризаева Шохиста Абдушукуровна** — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Рўзиева Гавхар Валижоновна** — Сайхунбод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Сапарниязов Абай Сабурович** — Нукус шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сарваров Хусниддин Анварович** — Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент шаҳри

**Сатторов Олимхон Назарович** — Қумқўрган нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Таджибаев Абдувоҳид Мамасиддиқович** — Фарғона шаҳридаги Қирғули электротехника касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Умаров Фулом** — Заңгиота туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

**Утаганов Хусан Азимуратович** — Пайарик маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Файзуллаева Баҳринисо Неъматиллаевна** — Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хамраева Феруза Собитовна** — Шайхонтоҳур туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ходжаев Махмуд Абдуқаликович** — Тошкент вилоятидаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи

**Хусанов Нуриддин Рахматилевич** — Балқич туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ҳайитов Усмон Номозович** — Деҳқонobod туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Шакасимов Сурайё Гапирджановна** — Олмазор туманидаги 185-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Шукурова Раъно Баходировна** — Каттақўрган шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Якушева Олеся Владимировна** — Бекобод шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ян Игорь Моисеевич** — Фарғона шаҳридаги 40-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
27 сентябрь



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ УЧУН НОМЗОДЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассисларга кириш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон қарорига мувофиқ ҳамда олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёрларининг таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан мавжуд академик лицейларнинг фаолияти комплекс таҳлил қилинганлиги, моддий-техника базаси ҳаттоқдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг:

ўтказилган комплекс таҳлил ва ҳаттоқ яқунлари бўйича аниқланган ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган 1-иловада кўрсатилган академик лицейларнинг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилишни тўхтатиши ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фаолиятини тугатиши тўғрисидаги;

юқори илмий ва педагогик салоҳиятга, етарли моддий-техника базасига эга бўлган академик лицейларни 2-иловага мувофиқ олий таълим муассасалари тасарруфига бериш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки: 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларда ўқиш муддати икки йил этиб белгиланади ва уларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади;

академик лицейлардан узоқ жойлашган ҳудудлардан қабул қилинган ўқувчилар белгиланган тартибда ётоқхона ҳамда ота-оналар тўлови ҳисобига (ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди) харажатларни қисман қоплаган ҳолда, имтиёзли озиқ-овқат билан таъминланадилар;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар қабули тўхтатилаётган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқич ўқувчилари мазкур академик лицейларда таълимни амалдаги ўқув дастурлари бўйича белгиланган тартибда яқунлайдилар ва уларга давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломи берилди;

академик лицейлар раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларида амалга оширилади;

фаолияти тугатиладиган академик лицейларнинг бино ва иншоотлари, ер майдонлари, биринчи навбатда, амалда бириктирилган олий таълим муассасасига, олий таълим муассасасида эҳтиёж мавжуд бўлмаган ҳолларда тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимликларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилди;

академик лицейлар самарали фаолият кўрсатиши, улардаги ўқитиш сифатини таъминлаш ҳамда улар моддий-техника базаси ва юқори малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминланганлиги, таълим-тарбия жараёни устидан назорат қилиниши, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини тўлиқ таъминлаш учун шахсий маъсулият тегишли олий таълим муассасалари ректорларига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари – Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори **М.Холмухамедов:**

бир ой муддатда фаолияти тугатиладиган 1-иловадаги академик лицейларнинг бино ва иншоотлари, ер майдонлари ва бошқа барча моддий-техника бойликларини (кейинги ўринларда моддий бойликлар деб аталади) тўлиқ инвентаризациядан ўтказсин ҳамда уларни рўйхат асосида ҳар бир таълим муассасаси кесимида моддий жавобгар

шахсларга ўрнатилган тартибда бириктирсин;

моддий жавобгар шахсларнинг ўзларига бириктирилган моддий бойликларни ўрнатилган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида расмийлаштирилганига қадар бут ва соз сақлашни таъминлаш чораларини кўрсин ва улар фаолияти бўйича шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Олий таълим муассасалари раҳбариятига олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумларнинг фақат тўлов-контракт миқдорининг оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **И.Мажи-дов** икки ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда академик лицейларга умумтаълим мактабларининг энг билимли, қобилияти ва иқтидорли ўқувчиларини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Низомда республиканинг маалакали кадрлар етишмовчилиги кузатилаётган ҳудудлардан ўқувчиларни олий таълим муассасаларига киришга мақсадли тайёрлаш учун имтиёзли қабул қилиш, шунингдек, академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасасига қира олмаслиги даражасига мувофиқ (фоиз кўрсаткичларига мос равишда) академик лицейни тасарруфига олган олий таълим муассасаси ректори, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори, академик лицей директори ва масъул ходимларига ўрнатилган тартибда жарима қўлланилиши ҳамда уларнинг ойлик маошларидан чегириб қолиниши назарда тутилсин;

академик лицейларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини қайта кўриб

чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда академик лицей ўқитувчиларининг етакчи олий таълим муассасаларида малака оширишининг самарали тизимини, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолияти тугатиладиган академик лицейларнинг ишдан бўшайдиган ўқитувчиларини ва ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда "Маориф" соҳасига йўналтирилган маблағлар доирасида ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ажратилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қўчаларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги ПҚ-2738-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 26 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ўғил-қизларимизнинг жисмоний ва маънавий етуқ инсонлар бўлишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш, она-юртга садоқат ва фидойилик руҳида тақбиллаш борасида беқиёс саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Авалло, узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, педагогик-психологик, илмий-услубий, молиявий асослари яратилди.

Академик лицейларда ўқувчилар танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқур, табақалаштирилган ҳамда касб-хунарга йўналтирилган билим олмоқда ва ҳар йили ўртача **35 минг** нафар йигит-қиз битириб чиқмоқда. Улардаги ўқитиш тизими олий таълим муассасаларига кириш учун салоҳиятли номзодлар контингентини шакллантиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда академик лицейлар фаолияти, жойлашуви, битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш таҳлили бу соҳадаги ишларнинг қонқарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифати ва мазмунини тубдан юксалтириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати туғилди.

Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан ўқув-методик ва моддий-техника базаси талабга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст

бўлган **37 та** академик лицейга 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш тўхтатилади ва 2019 йил 1 сентябрдан уларнинг фаолияти тугатилади;

юқори илмий ва педагогик салоҳиятга, зарур моддий-техника базасига эга **68 та** академик лицей олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилади.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларда ўқиш муддати **2 йил** этиб белгиланди ва эндиликда уларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарликни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги амалга оширади;

академик лицейларга олис ҳудудлардан қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва ота-оналар томонидан харажатларнинг қисман қопланиши ҳисобига (энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди) имтиёзли озиқ-овқат билан таъминланади;

2018/2019 ўқув йилидан қабул тўхтатиладиган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқич ўқувчилари таълимни амалдаги ўқув дастурлари бўйича яқунлайди ва давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломинини олади;

фаолияти тугатилаётган академик лицейлар педагог-ҳодимларининг бандлигини таъминлаш мақсадида уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларида амалга оширилади;

мазкур таълим муассасалари бинолари, ер майдонлари, бириктирилган олий таълим муассасасига, эҳтиёж мавжуд бўлмаган ҳолда тегишли туман (шаҳар)лар ҳокимликларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилди;

академик лицейларни ўқитиш сифати, моддий-техник база ва малакали ўқитувчилар билан таъмин-

лаш, таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш, олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини яхшилаш учун шахсий маъсулият тегишли олий таълим муассасалари ректорларига юкланади;

олий таълим муассасалари раҳбариятига бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контрактдан тушган маблағларнинг базавий тўлов-контракт миқдоридан оширилган қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув-лаборатория, компьютер техникаси, дарсликлар сотиб олиш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи берилди.

Академик лицейлардаги ўқитувчилик фаолиятига соатбай ҳақ тўлаш миқдори олий таълим муассасаларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорига тенглаштирилиши ҳамда олий таълим муассасалари тасарруфидида академик лицейлар сонининг оптималлаштирилиши юқори малакали профессор-ўқитувчиларини академик лицейларда дарс беришга кенгроқ жалб қилиш имконини яратади.

Академик лицейларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари қарор талаблари асосида қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фаолияти тугатиладиган академик лицейларнинг ишдан бўшайдиган ўқитувчиларини ва ходимларини белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чоралари кўрилади.

Қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши академик лицейларда ўқитиш сифатини юксалтириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва мақсадли таълимга йўналтириш, олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлашга кенг йўл очади.



2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)

# Юксак эътибор ва эҳтиром рамзи

Донишманд халқимиз асрлар оша муаллим ва мураббий даҳосига юксак эҳтиром кўрсатиб, фарзандларига “Устоз отангдан улуг” дея уқтириб келади. Дарҳақиқат, муаллим кўлимиздан тутиб, ёзишни, ўқишни ўргатади, қалбимизни илму маърифат зиёси билан чарогон этади. Шу боис ҳам боболаримиз устозлик мақомини улуг тутиб, унга алоҳида хурмат-эътибор кўрсатган. Мана шу ўлмас қадрият бу йил ҳам 1 октябрь — Уқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрамида чуқур мазмун-моҳият касб этган ҳолда буй кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг амалиётга татбиқ этилаётгани узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш каби кўплаб долзарб масалаларни ҳал этади.

Давлатимиз томонидан илм-фан, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор намунаси сифатида истиқлол йилларида халқ таълими тизимидаги фидойи ва жонқуяр педагоглардан етти нафари “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига муносиб кўрди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 сентябрдаги фармониغا биноан соҳада самарали меҳнат қилиб, ёш авлод таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган педагоглардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига

Кунини кеча тантанали байрам тадбирида иштирок этиш учун юртимизнинг барча ҳудудидан пойтахтимизга келган бир гуруҳ уқитувчилар Бош майдонимиздаги Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, муस्ताқиллигимиз асосчиси Ислам Каримов ҳайкали пойига гуллар кўйди. Ўзбекистон давлат тарихи музейида бўлиб, халқимиз ўтмиши, ўтган йиллар давомида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, маънавиятга қаратилган эътибор намуналари билан танишди.

— 32 йил ёшларга таълим-тарбия бердим. Пенсияга чиққан бўлсам-да, ҳозир ҳам ўзим ишлаган Музаброт туманидаги 14-мактаб жамоасидан буткул узилганим йўқ. Тез-тез таълим муассасасига бориб, дарсларни кузатаман. Ёш ҳамкасбларимга билим ва тажрибамдан улашаман, — дейди сурхондарёлик фахрий уқитувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Гулжаҳон Кулмаматова. — Бугун байрам арафасида биз педагогларнинг пойтахтимиздаги диққатга сазовор гўшалар, бой маданиятимиз ва маънавиятимиз нафаси уфуриб



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон уқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

— Уқитувчилик энг серзаҳмат, масъулиятли касб. Айниқса, бошланғич синфда болаларга ўқиш ва ёзишни ўргатиш игна билан қудуқ қазийдек машаққатли эканини ҳамкасбларим яхши билиди. Бугун Президентимизнинг биз уқитувчиларга йўллаган байрам табригида устоз-муаллимларга кўрсатилган хурматдан кўксим гурурга тўлди. Болаларнинг таълим-тарбиясига бағишланган 34 йиллик умримдан розилик ҳиссини туйдим. Муаллимлик касбинини танлаганим учун тақдиримдан мингданминг розиман, — дейди Кармана туманидаги 13-мактаб уқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси Нодира Бозорова. — Қаранг, уқитувчилар шараfiga қандай аjoyиб байрам дastури тайёрланган! Бунинг ҳаммаси жонажон Ватанимизда муаллим зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром намунаси.

Айтиш жоизки, ўтган бир йил таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳа ходимларининг ўқитиш сифати ва самардорлигини оширишдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларга бой бўлди. Жумладан, Президентимизнинг “2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари эртамин эгаларини баркамол этиб тарбиялаш, тарбиячи-педагоглар фаолияти самардорлигини оширишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди.

Халқ таълими тизимидаги янгиликлардан яна бири мактабларда 11 йиллик таълимнинг қайта тикланганидир. Тизимда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, ўғил-қизлар истеъдодини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов, Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф, Қарши шаҳрида Абдулла Орипов, Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номдаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил этилиб, уларга энг иқтидорли ўқувчилар саралаб олинган ёш авлоднинг интеллектуал ривожланишида муҳим қадамдир.

Таълим соҳасидаги изчил янгилашнилар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам муайян ўзгаришлар ясади. Умумтаълим мактабларида 10-11-синфлар ташкил этилиши ту-

файли касб-хунар коллежлари сони қисқарди. Президентимизнинг соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга доир қарор ҳамда фармонларига асосан коллежлар тармоқ вазирликлари ва давлат қўмиталарига бириктирилди.

Олий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам қатор меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Президентимизнинг шу йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тизимни тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш мазмунини қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгиланди.

Бешта янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этилиб, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сиртки бўлимлар очилгани ҳудудларни эҳтиёжи учун зарур бўлган олий маълумотли мутахассислар билан таъминлашга хизмат қилади.

Байрам тадбирида сўзга чиққан Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40-мактаб уқитувчиси Раъно Фозилова, бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Олимпия ўйинлари совриндори, жаҳон чемпиони Шаҳрам Ғиёсов мамлакатимизда уқитувчи ва мураббийларнинг сермашаққат меҳнатини муносиб кадрлаш ва рағбатлантириш, ёш авлоднинг баркамол йигит-қизлар бўлиб улғайиши йўлида яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. “Ёшлик” журнали бош муҳаррири, шоир Нодир Жонузок устозларни байрам билан қутлаб, уларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Тадбирда Халқ таълими вазирлигининг “Йилнинг энг яхши фан уқитувчиси”, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” кўриктанловлари ғолиблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими масканларининг фаол педагоглари диплом ва совринлар билан тақдирланди.

Эл суйган санъаткорлар ва ёш хонандалар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ва аjoyиб рақслар кечага ўзига фусун, дилларга кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусходжаев иштирок этди.

**Хайридин МУРОД,**  
**Илхом ЖўРАЕВ,**  
**“Ma'rifat” мухбирлари**  
**Б.РИЗОКУЛОВ ва**  
**ЎЗА суратлари.**



ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган энг илгор ва фаол педагоглар олий маошининг 40 фоизига устама ҳақ олмақда. Сўнгги 11 йил мобайнида уқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи микдори 17 бараварга ошгани моддий фаровонлиги юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу каби эътибор ва унинг самаралари Уқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳам эътироф этилди. Қизгин мулоқотда Халқ таълими вазири У.Иноятов, давлат мукофоти билан тақдирланган педагоглар, “Йилнинг энг яхши фан уқитувчиси — 2017” республика кўрик-танлови ғолиблари юртимизда педагоглар меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхтади.

турган масканлар бўйлаб саёҳат қилишимиз ҳам давлатимизнинг уқитувчиларга қаратаётган эътиборидан далолатдир. Бугунги кун уқитувчиси изланишдан тўхтамас, халқимиз фарзандларини ўз бола-сидек яхши кўриб, ардоқлаб таълим-тарбия берса, уларни юрт қорига камарбаста йигит-қизлар этиб камолга етказса, мана шу ғамхўрликни оқлаган бўлади.

Асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтди. Муҳташам қошона остонасида мўтабар устозлар қарнай-сурнай садолари ва анвойи гуллар билан кўтиб олинди. Уқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимга Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илгор уқитувчи ва мураббийлар тақлиф этилди. Тадбирда таълим-тарбия фидойиларининг хизмати алоҳида эътироф этилиб, чуқур эҳтиром кўрсатилди.



# Машаққат ортидаги саодат

Мақтабга чопкиллаб кетаётган болакай муаллимга яхшилик тимсоли сифатида талпинади. Худди шундай ҳолат мактабдан ташқари таълим муассасасига ўз истеъдоди ва иқтидорини ривожлантириш учун қатнаётган ўқувчида ҳам кузатилиши мумкин. Боланинг ўзига хос оламини кашф этадиган мураббийга ота-оналарнинг ихлоси баланд.

## Авиамоделчи

Шайхонтохур туманидаги 42-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Муҳаммадкамрон Қобилов ўн ёшга тўлганида онаси уни "Баркамол авлод" республика болалар техник ижодиёти марказига бошлаб борди. Уйда қўғоздан турли шаклдаги ракета, самолёт моделларини ясаб юрган боласини қайси тўғарақка аъзо қилиш муаммо туғдирмади. Марказ раҳбарлари тавсиясига кўра, она-бола "Ракета ва авиамодел" тўғарагини бошқараётган Абдунаби Ҳожибоевга учрашдилар.

— Маълум муддат ўтиб, ўғлимнинг тўғарақ машғулотидаги иштироки, ясаётган макетлари билан қизиқиб, марказга бордим. Абдунаби ака мени тўғарақ хонасига бошлади. Ракета, самолёт моделлари шу қадар кўп эдики, бир муддат кузатиб, болам ясаган макетларни сўрадим. Устози қўғоз, картон, фанердан ясалган бир талай қўлбола космик қурилмаларни кўрсатди. Йилдан йилга маҳорати ошиб бораётган Муҳаммадкамроннинг ютуқларидан устози сингари биз ҳам гурурланадиган бўлдик. 2015 йили у авиамодел йўналишидаги кўргазмали республика сиртки танлови, 2016 йилда "Йилнинг энг яхши ёш авиамоделчиси" кўрик-танловида ғолиб бўлди. Бундан уч кун муқаддам ўғлим Қозоғистон Республикасида ўтказилган "Бойкўнғир кубоги — 2017" халқаро мусоба-

қасида қатнашиб қайтди, таассуротлари бир олам, — деб ҳикоя қилади Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг катта инспектори Мунаввара Юсупова.

## Ёш наққош — совриндор

Энг улғу, энг азиз сана — мустақиллик байрами арафасида неварасининг устози Саидкомил Хўжаевга сим қокди. Қутловдан мамнун бўлган мураббий имкониятдан фойдаланиб, Саидаъло ҳақида бобосига илиқ фикрлар айтди. Арзийдиган йигит, чумоликдек меҳнаткаш, тўғарагига бириккан "шумтақа"ларни ёғоч билан ишлашга ўргатишдан эринмайди.

...Учтепа туманидаги "Давлатобод" маҳалласида яшовчи меҳнат фахрий-

си Саидали Холмирзаевга 193-умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқиётган невараси Саидаълонинг ўзига хос истеъдодини ривожлантириш истаги тинчлик бермасди. Уйинқароқ, ерга урса, кўкка сапчийди, аммо ижодкорлиги бор. Қоратош мавзесида жойлашган "Баркамол авлод" республика болалар бадий ижодиёти марказига 2013 йилнинг ёзги таътил даврида қабул қилинган болакай аввал унчалик боргиси келмади. "Ёғоч ўймақорлиги" тўғараги раҳбари Саидкомил Хўжаев уни излаб уйига келгач, бобо андак хижолат кечди. Холи қолганларида у киши ҳунармандликда ясаладиган буюмга пала-партиш ёки дидсизлик билан ёндашиб бўлмаслигини неварасига яхшилаб ўқитди. Панд-насихат қор қилди, кўп ўрмай, яъни 2015 йили "Камалак" юлдузлари" кўрик-танловининг республика босқичида бола совриндор бўлди. Бу — мураббийнинг хизмати, аслида.



1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

# Номига муносиб мураббий

Моҳира Жўраева мактабда ўқиган кезлари отасининг нововйхонасига тез-тез боради, хамир қорилиб нонга айланганга қадар бўлаган жараённи мароқ билан кузатарди. Тиришқоқ қиз ёш бўлишига қарамай, нововйлик сир-асрорини тез ўзлаштиради. Бир кунги Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Очқўш эшиклар кун" тадбирида иштирок этди, орзулари буткул ўзарди. Таълим муассасаси устахонасидаги шароитларни, амалий машғулотларни кўргач, Моҳиранинг кўнглида ошпаз бўлиш ҳаваси уйғонди. Энди у нововйхонадан бўшади дегунча коллеж томон шояр, устахона деразасидан бир бора бўлса-да мўралаб қайтарди. Баъзан машғулот ўтаётган устозларни тўхташиб, унга ҳам ошпазликни ўргатишларини илтимос қиларди. Ишлаб чиқариш таълими усталари қизнинг илтимосини табассум билан тинглагач, "Авал мактабни тугатиб ол. Сўнг коллежга ўқишга кирсанг, ҳаммасини ўрганасан", дерди.

Мазкур таълим муассасасида ўқиш истагидагилар кўпчилиги босиб хар йили коллежда давлат имтиҳонини ўтказилар, астойдил тайёргарлик кўрмаган ўқувчи бошқа йўналишда, бошқа касб-ҳунар масканда ўқишга тўғри келарди. Турган гапки, ошпазликдан ўрга касбин танлаш Моҳиранинг тасаввурига асло сифмас, бунга сира рози бўлмасди ҳам. Мақсади аниқ ўқувчи куну тун эринмай ўқиди. Билмаганларини ўқитувчиларидан қайта-қайта сўраб ўрганди. Натижа кутилганидек бўлди — Моҳира Жўраева Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

Ўқишнинг илк кунлари Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси коллежда иқтидорли ўқувчилардан гуруҳ тузиб, махсус машғулотлар олиб бориши ҳақида хабар тарқалди. Буни эшитгач, Моҳиранинг фикру хаёли шу гуруҳ таркибига кириш бўлиб қолди. Тўғри, коллежда ҳам дарслар юқори савияда ўтилар, бироқ соҳанинг профессионал усталари ўтадиган машғулотлар барибир бошқача-да. Моҳиранинг эса улардан ўрганадиганлари, моҳир ошпазларга берадиган саволлари кўп. Шундай ширин орзулар билан ташкилотчиларга мурожаат этган қиз-

нинг барча умиди чил-чил сингандек бўлди: "Гуруҳга фақат ўғил болалар қабул қилинади. Чунки талаблар ниҳоятда юқори, тартиб-интизом қатъий". Кўзлари порлаб келган ўқувчининг юзига бу жавобдан сўнг бирпасда маъносил чўкканини кўргач, комиссия аъзолари юмшагандек бўлди: "Майли, агар ўн кунлик синовдан муваффақиятли ўтиб, вазифаларни аниқ ва тўғри бажарсангиз, сиз учун истисно қиламиз".

— Савол ва топшириқлар бир қараганда жуда оддий ва жўн туолар, бироқ уларнинг ечимини топиш, амалий натижалар билан боғлаб, далиллаб бериш кишидан анча меҳнат, изланиш ва тиришқоқлик талаб этарди. Масалан, "Кўй нега оёғи юқорига қилиб осилади?" деган саволга амаллаб, "Ичида тўплаган турган суюқлик тўлиқ оқиб тушиши учун", деб жавоб берсангиз, навбатдаги жумбоққа дуч келасиз. Бу каби саволларга жавоб излаб отам иккимиз кўп бор қушоналарга кириб, қасослар билан сўхташганмиз. Ошпазлик санъати-га доир бир неча тиллардаги адабиётларни топиб ўқиганман. Тўплаган матери-

алларим асосида турли рас-талардан ҳар хил гўшт бўлақларини харид қилиб, қайнатиб, димлаб, қовуриб хулоса чиқаришимга тўғри келган, — дейди Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Моҳира Жўраева.

Изланувчан қиз шундай меҳнатсеварлиги ортидан гуруҳ аъзосига айланди. Коллежда ўқиб юрган кезларидаёқ Ўзбекистон ва Бутунжаҳон ошпазлар уюшмасининг аъзолари қаторида нуфузли танловларда иштирок этди. Айниқса, Украинада ўтказилган халқаро ёш ошпазлар танловида энг олий мукофот — Гран-прини қўлга киритгани Моҳиранинг ҳаётида ёрқин из қолдирди.

— Ҳакамлар ҳайъати биз тайёрлаган миллий таомларга юқори баҳо бериш билан бирга ўзбекона лўф билан дастурхон безатиш, меҳмон кутиш, чой узатиш сингари аъналаримизни ҳам олқишлади, — дейди Моҳира. — Балиқ, товук гўшти ҳамда турли сабзавотлардан тайёрлаган овқат ва пишириқларимиз ҳам алоҳида эътироф этилди.

Педагогик фаолияти да-вомида ёш уста ўзи эришган

## Устознинг камтарлиги

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат табиат музейига йиғилган ота-оналар кўргазмани томоша қилишарди. Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқиётган ўғли Шохрух Набиевнинг ижод намуналарини кузатаётган Зарифахон унинг чизганларини тенгқурлариники билан таққослайди: ўғли рангларни ажабтовур уйғунлаштира олган.

Кўргазмада кайфияти тоғдек кўтарилган меҳмонлар тадбир якунларан чоғда тўғарақ раҳбарининг шу кунги 50 ёшга тўлганидан хабар тоғдилар. Бунга умуман ишора қилмагани тўғарақ раҳбарининг яна бир инсоний хислатидан далолатдир. Туғилган кунидан бир-икки ой аввал оғоҳ этиб, ота-оналардан соғва кутадиган, таъмағирлик қиладиган педагоглар йўқ дейсизми!

— Ёш рассомларнинг кўргазмаси мен учун энг катта соғва! — дея камтарона жилмайдди устоз.

Ҳа, ҳалол ва диёналик, бола муваффақиятларидан қувонадиган устоз худди шундай йўл тутади. Инсоний хислатлар обрў-этибор келтиришини у яхши англайди. Ота-оналарнинг унга берадиган таърифи ҳам содда ва самимий.

— Тоҳир Шоймуродов фарзандларимизни тасвирий санъат оламига олиб кириш учун кўпроқ рағбатлантиради. Тенгдошлари олдида болани изза қилмайди, ўзи билан холи гаплашиб, хато-камчиликларини кўрсатади. Ўғлим Шохрух келажақда ҳарбий учувчи бўлмоқчи, аммо мўйқалам билан доимий дўст бўлиб қолишини таъкидлайди. Уйимизнинг ёнгинасида жойлашган "Баркамол авлод" республика экология ва ўлкашунослик марказининг "Тасвирий санъат" тўғараги ўғлим учун унутилмас маскан бўлиб қолади, — дейди Зарифа Набиева.

Мураббийлик — машаққат. Ана шу заҳмат ортидан унга бахту саодат, обрў-этибор келади.

Хулқар ТҶИМАНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

ютуқларни шогирдлари давом эттириши учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда дарсларида замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб, тўғарақ машғулотларини ташкил этади. Ўқувчиларнинг турли тадбирлар, кўрик-танловларда фаол иштирок этиши учун жон қойишади. Шундай ури-нишлари туфайли Моҳиранинг собиқ ўқувчиларидан Босит Зиедов халқаро ёш ошпазлар танловида муваффақиятли қатнашиб, Киев миллий савдо ва иқтисод университетига имтиёзли равишда ўқишга кирди. Жамолддин Мақсудов эса 2013 йили ташкил этилган ош чемпионатида алоҳида эътироф этилди.

"Касб маҳорати — 2012" кўрик-танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаган Моҳира Жўраева ўқувчиларга фақат ошпазлик, қандолатчилик маҳоратидан сабоқ бериш билан кифояланмайди. Уларга дарс давомида турли халқаро таомларидидаги ўзига хосликлар, мисол учун, Европа ошхоналарида негиз гўшт маҳсулотлари, славян халқларида эса лавлаги, карам, ҳинд таомларида қалампир кўп ишлатилиши сирларидан ҳам воқиф этади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)

# Онамага ўхшагани келадими!

**Машаққатли касби ортидан ҳурмат-эътиборга сазовор устоз портретига разм соламиз: юзда ажип, хиралашган кўзлар, хиёла эгик қомат — кимларнингдир ҳаётида муҳим ўрин тутганини таъкидлаб тургандек гўё.**

Қалбларга зиё таратувчи устоз доска ёнида. Синфонони "саҳна" деб атайдиган бўлсак, ўқитувчи саҳнада роль ўйнаовчи маҳоратли актёр. Ўзининг маъноли қарашлари, зукколигию донолиги билан "томошабин"ларни мафтун эта олган шахс нотиклигига, истеъдодига тил ожиз. Ҳар биримизга эътибор қаратган, тор тушунчамизни кенгайтиришга интилган, турли характердаги болалар билан тиллаша олган, баъзида қаттиққўл, баъзида хушмуомала инсоннинг "саҳна" ортидаги ҳаёти қандай?

Онамнинг изидан бориб, устоз бўлдим. Кексалик гаштини сураётган волидам Мухаррам Умирова — ўттиз беш йиллик педагогик стажга эга математика фани ўқитувчиси, Музработ туманидаги мактаблардан бирида ўз изини қолдирди. Бу зотдан қандай яшашни ўргандим, ўқитувчилик масъулиятини қалбимга сингдирдим. "Ҳаёт сабоқларини кимдан ўргандингиз?" деб савол беришса, онамни кўрсатардим. Меҳрибонимнинг саҳна ортидаги ҳаёти ҳақида сизга ҳикоя қилиб бериш ниятим бор.

Эрта тонг. Атроф гирашира ёришиб келмокда. Янги куннинг илк дақиқалари. Онам аллақачон уй-талган. Тонг ёришгунча бир талай рўзгор ишларини уйдалаб қўяди: сигир соғади, сут пиширади. Ошхонани саранжомлагач, кувёш чик-

## Ehtimom

масдан ҳовлини, кўчани супуриб, биз болаларини уйготлади. Қаранг-а, нонуштамиз тайёр. Акаларим дас-тёр, енгилроқ ишларга чаққон-чаққон югуради. Нонушта тугагач, тушликка таррадду! Аввал отамни ишга, сўнгра бизни мактабга кузатади. Соат 07:30 гача оналик, бекалик вазифаларини уйдалаб, устоз киёфасида мактабда ҳозир ру нозир бўлади. Олти соатлик дарс, қўшимча ҳужжатлар билан ишлаш, хуллас, соат тахминан 16-17 да уйга қайтган онам ортиқча уринмаяптимикан?

Онамнинг тушлик қилганини, чўзилиб дам олганини кўрмаганимиз. "Чарчадим" деб нолиган эмас. 180 нафар ўқувчи билан мулоқотда бўлган онам уйда яна олти боланинг ғамини ейди. Муаллим мактабдан қайтиши билан кечки овқатга унайди, сигир соғиб, сут пиширади, қатик ивитади. Отам ишдан келгач, дастурхон атрофида жам бўламиз. Сўнг уй-рўзгор ишларида онамга ёрдамлашамиз: биримиз дастурхон йи-либ, идиш-товоқ ювамиз, биримиз жой ҳозирлаймиз. Биз дарсхонамизга кирамиз. Онам эса... кир ювишга унайди. Онам кирларини ёйиб бўлганда, биз тушунмаган маззуларимизни билиш учун саво-ла рўзгор ишларини уйдалаб қўяди: сигир соғади, сут пиширади. Ошхонани саранжомлагач, кувёш чик-

Ушлаш маҳали. Аммо онамда тиним йўқ, ёзув-чизувини давом эттиради. Баъзан ҳафсала билан кўрғазмали қурол тайёрлашга киришади. Плакатга перо билан формула, шакл туширади. Онам мате-матик ва рассом. Хўш, муал-лима қачон дам олар экан? Унга шу саволни берсак, ку-лимсираб: "Ишлайдиган дав-рим, болам! Кексайганимда дам оларман", деб жавоб бе-рарди.

Ўқитувчининг бир кеча-кундузи худди онамникидек ўтади. Унинг она сифатида бола тарбияси, бека сифатида рўзгор юмуши, аёл сифатида турмуш ўртоғига эътибор, келин сифатида қайнота-қайнона билан муносабати, фарзанд сифатида ота-онани йўқлаши, қўшни сифатида маҳалла-қўй тadbирига фаол қатнашиши каби вазифалари бисёр. "Нега шунча галваси бўлса ҳам устозлик йўлини танладингиз?", деб савол беришга ҳақлисиз. Онамга ўхшашни истадим! Ҳа, худди шундай.

Онамнинг педагогик дав-ри ўтмишда қолди. Энди замонавий техника воситала-ри бисёр. Дарсга ошиқамиз, бизни минглаб қоракўзлар кутиб турибди. Иш фаолиятини кузатган мунис онам: "Оллоҳга шукр, мен улгурмаган ишларни сен уйдала-йпсан. Доимо максадинг сари интилгин", дейди. Мамнун бўламан, юрагининг бир четига фахр ва армони бўлган муштипаримнинг ду-оси менга ҳамма нарсадан улғудир.

**Дилдор НУРМУҲАММЕДОВА, Термиз туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси**

Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш осон эмас экан. Ишим-ни эндигина бошлаган кезлар



Ibrat

мактаб ҳаётига мослашолмай қийналдим. Ҳозир ўқувчиларим тартиб-интизом, ўқиш-ўрганишда анча илғор, мақтаса арзуғулик. Дарс жараёнига қизиққан уч-тўрт ўқитувчи "очиқ дарс" ўтиб беришимни сўраганида, рости, ич-ичимдан қувондим. Мактаб директори бошчилигида қатор ўқитувчилар "очиқ дарс"га киришди. Аксига олиб, машғулот биринчи соатга қўйилган, аълочи ўқувчиларимдан бири йўқ. Кўнглим пича хижил тортди. Орадан ўн беш дақиқа ўтиб, ўқувчим ҳаллослаганча юзуриб кириб келди. Тез чопган кўринади — ҳансираб нафас олар, киприклари кўрқувдан пирпирар, киришини ҳам, чиқишини ҳам билмай остонада турарди. Дарсдан кейин гаплашишни дилимга тузиб, уни жойига ўтқаздим. "Очиқ дарс" кутганимдан-да саз ўтди. Танаффус пайти кузатувга кирган ёши каттароқ ҳамкасбим ёнимга келиб:

## Ўғишям, кўнглимни оғритмади...

— Боя болани уришмасдан тўғри қилдингиз. Хурсанд бўлдим. Улар атайлаб кечикмайди, — деди маъюс. — Сизга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берай. Нега хурсанд бўлганимни тушунасиз шунда.

...Қарийб йигирма йилки, виждон азобидан қийналаман. Ўтган куни яна қайта хуруж қилди, — дея овози титраб ҳикоясини бошлади ҳамкасбим. — Бозордан қайтаётди Комилжон деган ўқувчимни учратиб қолдим. Кўрмаганимга йигирма йилдан ошибди. Эр йигит бўлиб етилибди. Адашмасам, ўттиз ё ўттиз бешларга кирганов. Рости, собиқ ўқувчимни кўриб, дилим яйради. Автомашина олганини айтиб, кўярда-кўймай олди ўриндиқа ўтқазди. Аслида, бошқа юмуш билан юргани биллиниб турарди. Уйимгача элтиб қўйди. Комилжоннинг катта мартабаларга эришиб, ўз йўлини тогганидан ўн қувонсам, анча йиллар илгари қилган ноҳақлигимни эслаб, ич-етимни еб кетавердим. Ушанда ёш, эндигина ўқишни тамомлаган кезларим эди. Иккинчи синфга дарсга кирардим. Ўқувчилардан бири ҳар куни биринчи соат охирида, баъзан иккинчи соатнинг ўртасида дарсга келиб, ўтиришга рухсат сўрарди. Синфдаги ғала-ғовур, болалар шовқини икки ҳисса тинкамани қуритарди. Даярли ҳар куни шу аҳвол. Болақай кечикишдан, мен эса танбех беришдан чарчамасдим. Гоҳи дарс охиригача бурчакка тикка турғизиб, жазолагандай бўлардим. Дакки берсам, кўзимга жавдираб қарар, лом-мим демасди.

Уша куни ҳам у одатини бузмади — кечикди. Югурганидан елкаси аралаш нафас олар, бир синфдошларига, бир менга айбдорона боқиб, кўзларини ерга қадади. Гапларим таъсир этмаётганидан фиғоним чиқиб, тутақиб кетдим. Шартта ёнига бордим-да: "Яна кечикасанми?" дея бир шاپалоқ урдим. Киприқчаларида ёш илиниб турган экан, дув йиғлаб юборди, сўнг индамай синфдан чиқиб кетди. Уни тўхтатмадим, ортидан ҳам бормадим, зора, тарсаки унга яхшигина сабоқ бўлиб, бошқа кечикмасин дея дарсни давом эттиравердим.

Иш соатим тугаб, уйга қайтаётганда ҳамкасбимга дилимни ёрдим. Бугунги воқеани ҳам кистириб ўтдим:

— Ҳар куни шу аҳвол! Онаси вақтида жўнатса бўлмасмикан? Қандай она экан у?

Ҳамкасбим менга ажабланиб тикилиб:

— Комилжонни айтяспизми? Унинг онаси йўқ. Билмасдингиз? Ўғай онаси бечора болага кун бермайди, мактабга ўз вақтида келишга қўярмиди? — деганча хайр-хўшлашиб кетди.

Турган жойимда тوشдай қотдим. Уйга қандай келдим, қандай овқатландим, нима қилдим — билмайман. Тун бўйи мижжа қоқмадим, кўзёш тўқканча тонг оттирдим. Комилжон мактабга энди келмаса-я, деб душанбани интиқиб кутдим. Кўзига қандай қарайман шўрлик боланинг...

У яна дарсга кечикиб келди, индамасдан жойига ўтиргиздим. Лекин қалбини оғритганим, унга бир оғизгина бу аҳволнинг сабабини тушунтириш учун имкон бермаганим учун ўзимни ҳамон қойийман.

Ҳамкасбимнинг ҳикоясини эшитиб, кўнглим бузилди. Яхшиям, кечикиб келган ўқувчимни тергамаганим ёки қаттиқроқ танбех бермаганим...

**Бахтинисо МАМАСОБИРОВА, Олтинсой туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси**

# Суликадаги атиргул



1 октябрь арафаси. Ўқувчилар энг сеvimли устозларни қутлаш учун совға тайёрлаш билан банд.

Ишдан ҳориб, шоша-пиша уйга жўнадим.

Уй-рўзгор ишларини тинч-тиб, эртанги дарсларга тайёргарлик кўриш учун иш столимга чўкдим. Сумкамни очарканман, кўзларим ҳайратдан чақнаб кетди: бир дона қил-қизил атиргул!

Ҳаёлларим тўзиб кетди. Бу кимнинг иши? Нега энди қўлимга бермай, сумкамга яширинча солиб қўйди? Сездирмаганини қаранг. Бу нима: камтарликми ёки тортинчоклик?

Нима бўлганда ҳам чарчоғим унутилди, руҳимда кўтаринчилик. Наҳотки, битта атиргул шу даражада қувватга эга бўлса?

Ўқувчиларим бир-бир кўз олдидан ўта бошлади: ким бўлиши мумкин?

Балки у қиз бола, балки ўғил боладир. Эҳтимол, энг сеvimли ўқувчим ёки қалби-

ни тушунмаган болажонлардан биридир? Ким бўлса ҳам, бориға шукр. Бола қалбида меҳр-муҳаббат, самимийлик, иззат-ҳурмат, жўшқинлик борлигидан мамнунман.

Эрта тонг. Мактаб остонасига қадам қўярканман, атрофимни болажонлар ўраб олишди. Кучоғим гулга тўлди. Лекин менинг ҳаёлим ҳамон кечаги атиргулда. Кўзимда ёш, ўпкам тўлиб турибди. Ўқувчиларим ҳайрон: устозни ким хафа қилди экан?

Ота-оналар фарзандлари қалбига эзгулик уругини шундай қадасинки, улар номаълум ўқувчим каби яқинларига атиргул совға қилишнинг аҳамиятини англаб етсин!

**Муҳайё АХМЕДОВА, Ромитан туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси**

## Tuyg'u



# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ



Азиз ва муҳтарам юрtdoшлар!

Барчангизни, жумладан,  
таълим

ва фан тизимида хизмат  
қилаётган устоз ва  
мураббийларни,

мамлакатимизга ташриф  
буюрган хорижлик

меҳмонлар ва сайёҳларни

1 октябрь – Ўқитувчи ва  
мураббийлар кунин умумхалқ  
байрами

билан самимий қутлаймиз!





2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)



# ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ



Институт ректорати, профессор-ўқитувчилари  
ва талабалари жамоаси азиз  
юртдошларимизни, таълим ҳамда фан  
- тизимида меҳнат қилаётган  
устоз-мураббийларни  
7 октябрь — Ҳаётнинг ва мураббийлар кунини  
умумхалқ байрами билан қутлайди!  
Барча оиллага тинчлик-фаровонлик  
тилайди!





## Mehr qolur, muhabbat qolur

— Ойижон, айланиб келайлик!  
— Нимадан хафасиз, оий? Биламиз, сиз Замирандан аразлаб юрибсиз!  
— Биз билан яшаётганинга икки ойдан ошди. Замира, лекин "оий" демаясан? Ойим сенга шунча гамхўрлик кўрсатяпти-ку!  
— Ҳаммамизни ўз боласидай яхши кўрса...

Замиранинг боши эгилди, ўзига қарата айтилаётган гапларнинг бари тўғри. Аммо у янги оила муҳитига эндигина кўниқиб келяпти, бунинг учун маълум вақт керак бўлди. Ҳақиқатан ҳам ойижони шунга йиғлаётган бўлса-я. Жуда раҳмдил, меҳрибон, гамхўр бу аёл 6 нафар боласи қатори Замира учун ҳам жонини беришга тайёр. "Ойижон" дейишига аслида ҳеч нарса ҳалақит бергани йўқ, фақат... Қизча бор журъатини тўплаб, аёлга қараб талпинди:

— Ойижон, сизни мен ҳам яхши кўраман!  
Азиза қизалоққа кучоғини очди, намиққан кўзларини рўмолчаси билан артди. Болажонлар унинг хомушлиги сабабини топгандек, сакраб кетишди. Салкам икки ойдирки, бор меҳрини берса-да, ундан ётсираб юрган Замирани маҳкам бағрига босди. "Ойижон" сўзидан сўнг она-бола ўртасида илиқ муносабат пайдо бўлгандек эди...

Бундай лаҳзалар Азиза учун янгилик эмас. Турфа тақдир эгаларига SOS болалар маҳалласида оналик қилиш бахти унга насиб этганидан бери кўп йиллар ўтди. Қанчадан-қанча ўғил-қизлари бор унинг.

## "Бағримга кел, болажон!"

Онанинг мобил телефони жиринглади: ўзи вояга етказган кизи Мадина кунда-кунора телефонда хол-аҳвол сўрайди, баъзан йўқлаб келади. Ўтган йили у турмушга чикди. Азиза унга фақат бахт тилайди. Куёв ҳам шу маҳаллада тарбияланган йигит, бир-бирига жуда муносиб, кўша қарисин.

— Ҳа қизим, яхшимисан, тинчмисан? Куёв бола қалай?  
— Раҳмат, ойижон, ҳаммаси жойида. Эртага ўтмоқчийдим, уйдаммисиз?

Йўқловдан онанинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Инсоний муносабатларнинг нозик жиҳатларини онасидан ўрганиб улғайган Мадина ўз оиласига қадам ранжида этса, Азиза уни ўтқизгани жой тополмайди, борини дастурхонга қўяди.

Кун пешиндан оғди. Ҳали-замон болалари мактабдан қайтишади. Азиза қозонда овқат пиширяпти. Таом узок қайнаса, мазали чикади. Коринлари очикқан Данил билан Надежда сумкаларини сўрига қўйишди.

— Ассалому алайкум, Ойижон! Бугун тўртта "беш" олдим, мана, кундалигимни қаранг!  
— Сизларга қайнатма шўрва пишириб қўйдим, гўшти ҳил-ҳил пишган! — дея она болажонларига пешовоз чиқади. Азиза "аъло" баҳо олиб қайтган Данилнинг юзидан ўпиб қўяди, бола зотига рағбат керак. Ўқитувчининг айтганини "илиб" оладиган бу бола-кай 6 фарзанднинг орасида зийраклиги, масъулиятлилиги билан ажралиб туради. Аслида, Азиза уларнинг ҳеч қайсисини бир-биридан ҳам кўрмайди, меҳри барчасига теппа-тенг. Шунинг учун ҳам болалари унга қараб талпингани-талпинган...

2016 йилнинг октябрь ойи. Боку шаҳрига тақлиф қилинган ўзбекистонлик SOS болалар маҳалласи онаси Азиза Муҳиддинова учун ҳажжонли кунлардан бири. Бу ерда уни МДХ давлатларидан борган барча оналар қатори Австрияда жойлашган SOS болалар маҳаллалари вакили расмий мукофот билан тақдирлаши мўлжалланган. Дунёнинг 132 давлатида нодавлат нотижорат хайрия ташкилоти сифатида фаолият кўрсатаётган намунали "SOS оналари"нинг кўлига ушбу тантанали маросимда олтин узук тақиб қўйилди. Тизимдаги умумий меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган, ҳар томонлама ибрат кўрсатган оналар бу мукофотга сазовор бўлиб келмоқда.

2002 йилдан бери "Ўзбекистон SOS болалар маҳаллалари уюшмаси" Тошкент шаҳри филиалида хизмат қилиб келаятган Азиза Муҳиддинованинг халқаро доирадаги мукофот билан тақдирланиши жамоадошларига аъло кайфият бағишлади. Филиалда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган ва шундай ҳавф остидаги болалар 14 оилага бириккан ҳолда истиқомат қилади. Қатор қурилган икки қаватли уй-жойлар турли ёшдаги болалар учун ҳақиқий маҳалла. Уларни Азиза Муҳиддинова сингари меҳридар, бағрикенг, бола қалбини ҳис қиладиган оналар оилавий муҳитда вояга етказишади.

— SOS оиласида ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган болалар учун уй муҳити яратилади. Оилада қандай шарт-шароит бўлса, бу ерда ҳам худди шундай. Тўнғич болаларни кичиклари "опа", "ака" деб атайди. Биргаликда таом тайёрлаймиз, дарс қиламиз. Фарзандларимиз 49, 187, 207-умумтаълим мактабларида таълим олади. 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган бола бу маҳаллада оилавий муҳитга тўлиқ мослашган тарзда униб-ўсади. Биз — "SOS оналар" оилани ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий жиҳатдан бошқариб, ўғил-қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаб борамиз, — дейди Азиза Муҳиддинова.

Хулқар ТҲИМАНОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири

## Болалик дамларимда...

Ўз соҳасининг "пири"га айланган киши кўпчиликка маълум бўлмаган қирралари билан бошқаларни ҳайратга солади. Ўқитувчи — табиат шайдоси. Шифокор қўйлак тикади. Шоир шахмат ўйнайди. Футболчи — уста. Уларга бу борада нафақат ўқитувчиси, балки яқин инсони ҳам устозлик қилган бўлиши мумкин. Худди шундай қобилият эгаларидан бир нечаси билан суҳбатлашамиз.



Дилором Мамашарипова,  
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси

— Окдарё туманидаги 45-ИДУМда математика ва информатика фанларидан сабоқ бериб, ҳозир кексалик гаштини сурмоқдам. Жондан севган касбим билан бир вақтда гул парвариши доимий машғулотим. Буни онам София аядан ўргандим. Раҳматли онам эккан гулларни

яхши эслайман: астра, кўқонгул, алоэ, гладиолус, арчагул, атиргул, райхон. Гуллар қийғос очилган палла ҳовлимиздан муаттар буй тараларди. Кишин-ёзин улар тароватига мафтун эдик. Айниқса, районни жуда ёқтирарди. Чаккасига райхон тақиб юрган волидамнинг қиёфасини кўз олдимга келтирсам, ҳозир ҳам димоғимга райхон иси урилгандек бўлади. Шу-шу менда ҳам гулларга нисбатан меҳр уйғонди. Вояга етиб, бошқа хонадонга узатилдим. Сарпомга кианоб солган ва тувақда

гул билан узатган меҳрибонимдан умрбод миннатдорман.

Ўқитувчилар табиатан сезгир бўлади. Гулларга қизиқишимни пайқаган биология фани ўқитувчиси Нуржия Фахриддинова мени доимо ёнига чақириб, гулчилик агротехникаси бўйича кўрсатма беришдан эринмасди. Ҳовлимизда қанақа гуллар эканимизни сўраб, қайси бирига қандай "муносабатда" бўлиш кераклигини ўргатарди. Сувни кўпроқ ичадиган, куёш нурини севадиган гул навларини севадиган Нуржия опадан билиб олганман.

Ортиқали Қозоқов,  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,  
Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси:

— Болалигимда расм чизишни бошқа машғулотга алмаштиролмадим. Аммо велосипед ҳайдаб, бадминтон ўйнасам, расм чизгандегидек завққа тўлардим. Қаерга бормай, ёнимда рассомлик асбоб-анжоми билан бирга бадминтон ўйнайдиган ракетка ва велосипед ҳамроҳим бўлган. Ҳамон улвнинг бу тури билан дўстман. Ҳафтада бир кун 12 км масофага велосипедда келиб кетаман. Ҳар куни кечки овқатдан кейин 2-3 км яёв юриш доимий одатим.

Поп туманидаги ўзим туғилиб-ўсган Санг қишлоғига борсам, албатта, ёнотрофини велосипедда айлиниб чиқаман. Очик ҳаво, бетакор қишлоқ манзарасига маҳлиё бўлганча йўл-йўлак учраган танишлар билан саломлашиб, дилдан суҳбат қириб кетавераман. Мактабда таъсирий санъатдан сабоқ берган устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Анорбой Қаримқулов нафақат чизиш сирларини, балки спорт билан дўстлашишни ҳам ўргатган. "Ижодкор ҳар томонлама соғлом бўлса, гоёвий жиҳат-

дан мукамал санъат асари яратди", дея таъкидларди у киши.

Спорт ва санъатдан ташқари балиқ ови ҳам сеvimли машғулотим. Қишлоғимиздан Сирдарё оқиб ўтади. Болалигимда Жўравой амаким билан балиқ овига кўп чиқардик. Иккаламиз сувга қармоқ ташлаб, ўз хаёлимизга фарқ бўлаемиз. Сувнинг шимирлаши, чигирталар чириллаши, ўт-ўланлар шивирини менга илҳом берар, беихтиёр расм чизишга тушардим. Бугун невараларим билан дам олиш кунлари Сирдарёга бориб, балиқ тутамиз. Табиатнинг беқиёс манзарасидан завқланиб, расм чизишга тушиб кетсам, невараларим атрофимни ўраб олишади. Болалигимда амакимдан ўрганганларимни уларга сўзлаб берсам, худди эртақ тинглаётгандек берилиб эшитишади. Бундан ўзим ҳам завққа тўламан.



Энахон Сиддикова, Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон халқ шоири:

— Олтиариқликлар азал-азалдан миришкор бўлган. Қишлоқда туғилиб, боғ-роғ, дала, чорва нима эканини билиб ўсдик. Уй шароитида экин-тикин қилишни отамдан ўргандим. У кишининг ҳар бир ўсимликка алоҳида эътибор қаратиши, қайси бирига қандай парвариш кераклигини бир

қарашда сезишига қойил қолардим. Унга ҳавас қилганим учунми, улғайсам, бригадир бўламан дердим. Ҳозир ҳам 6 сотих томорқамиз бор. Ишдан ҳориб қайтганимда, экинзорни бир айланаб чиқсам, енгил тортаман.

Онамдан ўрганганларим эса ҳатто фарзандларимга ҳам мерос бўлиб ўтди. Волидам Жўрахон ая кийим-кечак ва дўппи тикиб, қишлоғимизда донг таратган эди. Онамнинг ёнига ўтириб, тикаётган нарсаларини ҳайрат билан томоша

қилардим. Орада савол бериб, нимани қандай тикиш ҳақида сўрашни унутмасдим. Кейинчалик ўзим ҳам мустақил равишда кийим-кечак тикадиган бўлдим. Меҳнат таълими фанидан сабоқ берган устозим мен тиккан кийим-кечакларни мактабда, онам билан ич-ичимдан фахрланардим. Талабалик давримда ўзим ва дугоналаримга либос тиккан бўлсам, кейинроқ оила аъзоларимнинг чеварига айландим. Бу ҳунарни бугун қизларим давом эттирмақда.


"Ma'rifat" муҳбири Райхона ХҲЖАЕВА ёзиб олди.



2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)



# ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ







**TIQXMMI**

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини  
Механизациялаш Муҳандислари Институтини

## ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида фарзандларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялашдек шарафли ишга бутун борлигини бағишлаётган барча ўқитувчи ва мураббийларни, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига ҳисса қўшиш учун, Республикамиз аграр соҳасини билимли, салоҳиятли, гайратли муҳандис-техник ходимлар билан таъминлаш устида иш олиб бораётган академиклар, профессор-ўқитувчиларни айёмлари билан самимий муборакбод этамиз!

Азиз устозлар! Сизларга узоқ умр, бахт-саодат, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги машаққатли, аини дамда шарафли фаолиятингизда омад ва зафарлар тилаймиз!








2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)



# БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ҚДУ профессор-  
ўқитувчилари  
ва талабалари жамоаси  
барча устоз-мураббийларни  
1 октябрь — Ўқитувчи ва  
мураббийлар куни билан  
самимий муборакбод этади!  
Барчага мустаҳкам  
соғлиқ, омад ва  
зафарлар тилаймиз!





## Халқ таълими вазирлиги 2018 йил — Янги йил байрамида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида қурбон бўлган Ватан ҳимоячиларининг болалари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган қутилар харид қилиш мақсадида танлов савдоларини Э Ў Л О Н Қ И Л А Д И!

**Танлов номи:** Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида қурбон бўлган Ватан ҳимоячиларининг болалари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган қутилар харид қилиш.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

**Манзил:** 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

**Молиялаштириш:** Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур танлов савдоларига Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида қурбон бўлган Ватан ҳимоячиларининг болалари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган қутиларни харид қилиш учун етказиб берувчиларни таклиф этади.

"Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган қутиларнинг номи, техник талаблари, миқдори ва энг юқори нархи куйидагилар:

| Лот  | № | Маҳсулот номи                         | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Техник талаблар  | Маҳсулотнинг энг юқори (максимал) нархи (сўмда) | 1 фойзли закат суммаси миқдори |
|--|---|---------------------------------------|---------------|---------|--|---|--------------------------------|
| <b>Ўқув қуроллари</b>                          |   |                                       |               |         |  |   |                                |
|  | 1 | Рангли қоғозлар тўплами               | тўплам        | 11 000  | Рангли қоғозлар ўлчами 297X207 мм (+/-2). Рангли қоғозлар тўплами муқоваси оғирлиги 150 гр/м <sup>2</sup> ли қоғоздан ишланади. Рангли қоғозлар тўплами 12 хил рангда, ранги 4+0, оғирлиги 70 гр/м <sup>2</sup> ли қоғоздан ишланган бўлиши шарт.                          | 2 207,00  | 242 770,00                     |
|  | 2 | Расм дафтари                          | дона          | 11 000  | Расм чизиш учун дафтар ўлчами 288 X 203 мм (+/-2). Расм дафтари арақлар сонни 12 арақ. Расм чизиш учун оғирлиги 120 гр/м <sup>2</sup> , оқлиги 93% дан кам бўлмаган қоғоздан ишланади. Расм дафтари муқоваси 140 гр/м <sup>2</sup> ли қоғоздан ишланади. Муқова ранги 4+0. | 3 057,00  | 336 270,00                     |
|  | 3 | Ўқувчи дафтари                        | дона          | 11 000  | Ёзув учун дафтар ўлчами 170X205 мм (+/-2), оқлиги 74-88%, оғирлиги 80 гр/м <sup>2</sup> ли офсет қоғоздан ишланади. Ёзув дафтари 12 арақдан иборат. Муқова ранги 4+0.  | 678,00  | 74 580,00                      |
|  | 4 | Блокнот                               | дона          | 11 000  | Блокнот 100-110X145-155 мм (+/-2мм). Муқова ранги 4+0, оғирлиги 150 гр/м <sup>2</sup> ли қоғоздан ишланади. Блокнот ёзув қисми арақлари 40-50 арақли, ранги 1+0, оғирлиги 70 гр/м <sup>2</sup> ли офсет қоғоздан ишланади.   | 2 365,00  | 260 150,00                     |
| <b>Лот учун 1 фойзли закат суммаси миқдори</b> |   |                                       |               |         |  | <b>913 770,00</b>                               |                                |
|  | 1 | Акварел бўёғи                         | тўплам        | 11 000  | Пластмассадан ишланган қутига жойлаштирилган, ҳар бир ювети 2,7 куб см дан иборат. Расм чизиш учун 12 хил рангдан иборат.  | 7 575,00  | 833 250,00                     |
|  | 2 | Рангли қаламлар тўплами               | тўплам        | 11 000  | Расм чизиш учун рангли қаламлар тўплами 12+1 хил рангда узунлиги 175 мм. Қутиси рангли картондан ишланади.   | 10 107,00                                       | 1 111 770,00                   |
|  | 3 | Ластик ўчирғич                        | дона          | 11 000  | Юмшоқ резинадан ишланган эластик ўлчами 40X21X12 мм. Ранги оқ.   | 1 000,00  | 110 000,00                     |
|  | 4 | Фломастер                             | тўплам        | 11 000  | Фломастерлар тўплами 12 хил рангда. Пластмассадан ишланган қутига жойлаштирилган.  | 13 500,00                                       | 1 485 000,00                   |
|  | 5 | Қалам очқуч                           | дона          | 11 000  | Пластмасса корпусга жойлаштирилган пластмассадан ишланган қалам очқучи ускуна ва тозаловчидан иборат.  | 2 500,00  | 275 000,00                     |
|  | 6 | Пластик папка                         | дона          | 11 000  | Ўқув қуроллари жойлаштириш учун пластикдан ишланган папка. Ўлчами 230X330 мм.  | 3 563,00  | 391 930,00                     |
|  | 7 | Расм чизиш учун тўплам                | тўплам        | 11 000  | Тўплам ширкул, қалам, ластик-ўчирғич, чизғич, 2 дона ушбурак-чизғич ва транспортёрдан иборат.  | 10 000,00                                       | 1 100 000,00                   |
|  | 8 | Рангли рўқчалар тўплами               | тўплам        | 11 000  | 6 хил рангда рўқчалар тўплами. Рўқча корпуси пластмассадан, рўқча солиш учун футляр пластикдан ишланади.   | 6 850,00  | 753 500,00                     |
| <b>Лот учун 1 фойзли закат суммаси миқдори</b> |   |                                       |               |         |  | <b>6 060 450,00</b>                             |                                |
| <b>ШИРИНЛИКЛАР</b>                             |   |                                       |               |         |  |   |                                |
|  | 1 | "РУССКИЙ БИСКВИТ" Торт вафельный      | дона          | 11 000  | Маҳсулот оғирлиги 220 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.   | 13 875,00                                       | 1 526 250,00                   |
|  | 2 | "Алпен док" плиткали шоколади         | дона          | 11 000  | Маҳсулот оғирлиги 90 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси ёки Украина.  | 8 100,00  | 891 000,00                     |
|  | 3 | "Алпен док MAX FUN" плиткали шоколади | дона          | 11 000  | Маҳсулот оғирлиги 160 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.   | 14 375,00                                       | 1 581 250,00                   |

|  |    |  |      |        |  |                     |            |
|--|----|--|------|--------|--|---------------------|------------|
|  | 4  | "Kit-kat" батон шоколади                         | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 40 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 2 956,00            | 325 160,00 |
|  | 5  | "Nuts" шоколади                                  | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 50 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 3 950,00            | 434 500,00 |
|  | 6  | "Nesquik" батон шоколади                         | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 43 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 3 567,00            | 392 370,00 |
|  | 7  | "Kinder Surprise" ўйинчоқли шоколади             | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 75 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси ёки Украина.  | 7 450,00            | 819 500,00 |
| III  | 8  | "M&M's" шоколади                                 | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 45 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 4 700,00            | 517 000,00 |
|  | 9  | "Super kontik" печенье                           | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 100 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси ёки Украина.   | 4 275,00            | 470 250,00 |
|  | 10 | "Choko pie" печеньеси                            | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 30 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 1 900,00            | 209 000,00 |
|  | 11 | "Muesli" шоколади                                | дона | 22 000 | Маҳсулот оғирлиги 24 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 3 870,00            | 851 400,00 |
|  | 12 | "Джек" вафлили шоколади                          | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 25-30 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.   | 1 700,00            | 187 000,00 |
|  | 13 | "Tuc" печеньеси                                  | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 100 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.   | 7 750,00            | 852 500,00 |
|  | 14 | "Dolce" мева шарбати (Олмали тандирланган)       | дона | 11 000 | Маҳсулот оғирлиги 200 мл. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси.  | 1 880,00            | 206 800,00 |
|  | 15 | "Спирс шпрс" конфети                             | дона | 22 000 | Маҳсулот оғирлиги 10 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия Федерацияси.  | 900,00              | 198 000,00 |
| <b>Лот учун 1 фойзли закат суммаси миқдори</b> |    |  |      |        |  | <b>9 461 980,00</b> |            |
| <b>КУТИЛАР</b>                                 |    |  |      |        |  |                     |            |
| IV   | 1  | Совгаларни жойлаштириш учун совға қутиси (кувич) | дона | 11 000 | Совгалар учун қути ўлчами 370X315X87 мм (+/-5). Ранги 4+0, бир томонлама ламинацияланган. 3 слойли микрогофракортон, ускуна қисми 300 гр ли қоғоздан ишланади, пластмассадан ишланган оқ рангда рўқча қўйилади. Ички томондан таг қисмига картон қўйилади. | 13 000,00           | 77 000,00  |
| <b>Лот учун 1 фойзли закат суммаси миқдори</b> |    |  |      |        |  | <b>77 000,00</b>    |            |
| V  | 1  | Гофракути (катта)                                | дона | 1 100  | Ўлчами: 920X330X385 «Президент арваси — 2017» расми билан, маркази П сиртки қисми оқ қоғозли. Ички томондан таг қисмига картон қўйилади.   | 7 000,00            | 77 000,00  |
| <b>Лот учун 1 фойзли закат суммаси миқдори</b> |    |  |      |        |  | <b>77 000,00</b>    |            |

Барча маҳсулотлар жорий йилнинг 10 декабрига қадар етказилиши ҳамда ширинликларнинг эскириш мuddати 2018 йил 20 январдан кам бўлмаслиги шарт.

Танлов таклифи умумий қийматининг 1 (бир) фоизи миқдордаги закатли пули билан таклиф кафолатлини шарт. Закатли пули танлов иштирокчиларига (ғолиб бундан мустасно) 11 банк куни ичида қайтарилади. Танлов ғолибининг закатли шартнома шартларининг танлов ғолиби томонидан керакли тарзда бажарилишига қадар кафолат сифатида буюртмачининг ихтиёрида булади ҳамда шартнома шартлари тўлиқ бажариладиган кейин танлов ғолибига 11 банк куни ичида қайтарилади. Бунда шартнома шартлари бажарилмаган, қисман бажарилмаган ёки мuddатидан кечиктириб бажариладиган тақдирда танлов ғолибининг закатли пули буюртмачининг ихтиёрида қолдирилади. Закатли суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Ишчи органнинг Молия вазирлиги газначилигида очилган, қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамга ўтказилиши шарт:

Молия вазирлиги газначилиги х/р.: 23 402 000 300 100 001 010

ЖКМ Марказий банк Бош бошқармаси МФО: 00014, ИНН: 201 122 919

ш/хр: 401 410 860 262 667 950 100 075 002

ИНН: 201 122 808, ОКОНХ: 97300.

Юқорида кўрсатилган тартибда закатли суммаси билан бириктирилмаган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди. Шунингдек, имзоланадиган шартномалар учун 15 фойздан юқори миқдорда олдидан тўлов маблағлари талаб қилинганда, талаб қилинган аванс маблағларига тенг миқдорда хизмат кўрсатувчи банк томонидан банк кафолати тақдим қилиниши шарт. Банк кафолати тақдим қилинмаган тақдирда имзоланган шартномалар учун олдидан тўлов маблағлари 15 фойз миқдорда тўлаб берилди.

Танлов савдоларига қўйилган лотлар бўлимас бўлиб, лот таркибидagi ҳар бир маҳсулотни алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда нарх таклифи бериш ёки лот таркибидagi маҳсулотларини айримларини тушириб қолдириб нарх таклифлари берилишига йўл қўйилмайди. Шу кўринишда тақдим қилинган таклифлар инobatга олинмайди.

Танлов савдоларига қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар ўз таклифларини тақдим этишларидан олдидан тегишли лотлар бўйича маҳсулотлар намуналарини вазирликка келиб кўришлари шарт. Вазирлик томонидан ушбу маҳсулот намуналарини кўрганилиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Тақдим этилаётган танлов таклифлари алоҳида ҳар бир лот кесимида ёпиқ ҳолда (муҳланган конверт) расмий мурожаат хати билан бирга **2017 йил 6 октябрга** қадар Тошкент вақти билан соат **15-00** гача Танлов комиссиясига қуйидаги манзилга тақдим этилиши лозим.

**Манзил:** 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, телефон: (+99871) 239-16-30, (+99871) 239-40-77.

Белгиланган мuddатдан кечиккан танлов маблағлари инobatга олинмайди. Вазирлик Танлов савдоларига қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар томонидан Танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.



2017-yil 30-sentabr, № 78 (9039)



Yaxshilar yodi

Устозлик улуг мартаба. Шогирдлар хурмат-эътиборига эришиб, ота-оналарнинг эътирофига сазовор бўлиш учун ўқитувчидан тинимсиз изланиш, фидойилик талаб этилади. Унинг ўгити, кўрсатмаси, ибрати шогирдлар ҳаёт йўлини шамчирик мисол ёритиб туради. Одил Файзиев ҳаёт йўлини мактаб билан боғлаган, умрини ўқувчиларга билим беришга бахш этган ана шундай меҳридарё устозлардан эди.

Устоз ибрати

Қаҳрамонимиз болалигидан илмга қизиқувчанлиги, китобсеварлиги билан ажралиб турарди.

Тўйтепадаги ўрта мактабни аъло баҳо-ларга тамомлаб, олий ўқув юртида ҳам муваффақиятли ўқиди. 1930 йилдан туман мактабларида турли лавозимларда ишлади. Изланувчанлиги, тиришқоқлиги билан назарга тушди. 1953 йили Урта-чириқ тумани халқ маорифи бўлими мудири лавозимига тайинланди. Заҳматкаш муаллим қаерда, қайси лавозимда ишласин, халқ ишончига муносиб бўлишга интилди. Унга ҳавас қилиб, қанчадан-қанча шогирдлари ўқитувчилик касбини танлади. Айниқса, фарзанд тарбиясида ҳам бошқаларга ўрнак бўлди. Олти ўғлининг барчаси олий маълумотли. Улар ҳам меҳнатлари билан мамлакатимиз ривожини учун муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Отамиз бизни ўқиб ва изланишга тинимсиз ундар эди, — дейди Зоҳид Файзиев. — Ўқиб, ўрганишга иштиёқ отаме-рос, десам адашмайман. Болалигимиздан китобга ошно этганлар. Уйимизда ҳар кун оилавий китобхонлик кечалари бўларди. Қайсидир асарни ўқиб бергач, унинг қаҳрамонлари, воқеалар ривожини ҳақида сўрарди. Жавобларимиздан қониқса, раг-батлантарди. Шу сабаб, олти ўғил ҳам китобхонлик кечасида фаол бўларди. Бу ўз мевасини берди. Бугун анъана давом этмоқда. Биз ҳам оиламизда шундай китобхонликлар ўтказаямиз. Фарзанд-ларимизга отамиз каби ибрат бўлишга интиляпмиз.

Феруза ХОЛМУРОДОВА

Ўғлинг бўлса, полвон бўлсин!

Халқимиз азалдан кураги ер кўрмаган, ҳалол курашадиган полвонларга ҳавас билан қараган, хурматини жойига қўйган. Сайиллару тўй-томошалар уларнинг иштирокисиз, мардона беллашувларисиз ўтмаган. Кураш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, асрлар элагиди эланиб, миллат тийнатиға айла-ниб улгурган улкан санъатдир.



Murabbiylar faoliyatidan

Спортни ўз ҳаёти мазмунига айлан-тирган юртдошларимиз орасида Паркент кураш мактаби тарбияланувчилари ҳам алоҳида ажралиб туради. Ушбу мактабдан етишиб чиққан полвонлар қитъа, жаҳон чемпи-онатлари ва бошқа халқаро турнир-ларда мамлакатимиз шарафини му-носиб ҳимоя қилиб келмоқда. Улар-дан бири — мустақиллик тенгдоши Паркент туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Аъзамхўжа Муборхўжаев ҳам бир неча бор бел олиш кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони, халқаро му-собақаларда совринли ўринларни эгаллаган.

Аъзам тўрт йил коллежда жисмоний тарбия фанидан дарс берган, мана, бир йилдан буён ўз тажриба-си ва билимларини Заркент қишло-ғида очилган бел олиш кураши тўғ-раги аъзоларига ўргатиб келмоқда.

Аъзам болалигидан курашга ошно бўлиб улгайди. Отаси — «Шухрат» медали соҳиби, ўз пайтида белбо-гли кураш бўйича Осийб чемпиони бўлган Мелихўжа Дадаҳўжаевдан илк сабоқларни олди. Отасининг кураш тугайли кўру-эътибор, хурмат қозонганини кўриб, ҳавас қилар, ич-ичидан полвонликка интилиши ор-тарди. Ниҳоят, ўзи ҳам мусобақалар-да қатнаша бошлади. Йиқилди, йи-қитди, интилди, ниҳоят — от изини той босар, деганларидек ўз мақса-дига эришди — ҳозир Паркент тум-анидагина эмас, қўшни туманларда, вилоятда уни қўллаб курашчилар, му-тахассислар, мухлислар танийди.

А.Муборхўжаев орзуларига эри-шиш ниятида Ўзбекистон давлат

жисмоний тарбия инсти-тутига ўқишга кир-ди ва яккакураш спорт турлари факультетини тамомлади. Бу даргоҳ-да унга белбоғли ку-раш бўйича жаҳон чемпиони Зоҳид Ортиқов яккакурашнинг нозик сир-ларини очди. Қишлоқда унга Равшан Орзиматов устозлик қилди. Равшан ака шогирдига курашчининг ори хусусида, ҳалол курашиш чинакам мардларнинг иши экани ҳақида сабоқ берди. Орият ва адолат пол-вон учун галабадан ҳам муҳим экани-ни ўқирди.

Бундай сабоқлар Аъзамни янада кучли қилди, курашга ва рақибга бўлган муносабатини ўзгартирди.

У ҳам айна пайтда мактаб ўқу-чиларидан иборат тўғрақ аъзолари-га ҳалоллик ва мардлик полвон-нинг бемисл куч-қудрати эканини айтади. Саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Зеро, ёш мураббийнинг бир йил ичида 4 нафар мамлакат чемпиони етиштирганлик сўзимиз тасдиғидир. Хусусан, 4-синф ўқу-чилари Жасур Нишонов (30 кг) ва Жавлон Тўхтаев (27 кг), 6-синф ўқу-чилари Мурод Пардаев (36 кг) ҳамда Шаҳзод Усмонов (33 кг) Ўзбекистон чемпиони бўлди. Қизлардан эса опа-сингил полвонлар Холида ва Райхона Тўлкинова, Феруза Намо-зова тенгқурларига ўрнак бўляпти.

— Ҳозир бел олиш тўғрагимизга 62 нафар ўқувчи қатнашди, шулар-дан 10 нафари қизлар, — дейди А.Муборхўжаев. — Бундан ташқари, Заркент ва Чанги қишлоғидан тўғ-раққа аъзо бўлиш истағида келаёт-



ган ёшлар кўп. Энг муҳими, қиш-лоқларимиздаги болаларнинг бўш вақти мазмуни ташкил этиляпти. Қолаверса, ўз устида ишлаган, ин-тилган шогирдларимиз чемпион бўляпти. Уларнинг кўксидида медал-ларга ҳамманинг ҳаваси келади.

Аъзам полвон оғам тўғрақ му-ваффақиятида заркентлик кураш фидойилари Бахтиёр Маҳқамов ва Раим Ашуров, шунингдек, тадбир-кор Ҳабибулло Лутфиддиновнинг каттагина ҳиссаси бор. Улар ёш му-раббийга қанот бўлиб, қўллаб-қув-ватлаб турибди.

— Ёш бўлишга қарамай, икки қишлоқ болаларини жамлаб, кураш тўғраги оған йигитга оз бўлса-да ёрдамим тегаётганидан хурсандман, — деди Х.Лутфиддинов. — Ўзим ҳам курашни жуда яхши кўраман. Чунки кураш ҳалолликка, мардликка ўрг-тади. Кураш билан шугулланган йи-гит мурд бўлиб улғаяди.

Ҳа, спорт ҳам шароит ва эътибор бор жойда ривожланади. Ёш мураб-бий Аъзамхўжа эришадиган ютуқлар замирида ҳам ана шундай хайри-холик, ғамхўрликлар ўз инъикоси-ни толган. Интилувчан ёш мураб-бий, спорт устаси А.Муборхўжаев тарбиялаётган шогирдлари ораси-дан ҳам келажақда жаҳон чемпио-ни етишиб чиқишига ишонамиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш йўлида

**Миррахимова Саидахон Шухратовнанинг 14.00.08 — Офтальмология ихтисослиги бўйича «Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқиш» (тиббийет фанла-ри) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент тиббийет акаде-мийаси ҳузуридаги тиббийет фанлари доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.30.01 рақамли илмий кенгаешинг 2017 йил 5 октябрь кунини соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
**Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фөробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббийет академияси 2-клиник шифохонаси, 1-корпус, 1-қават, мажлислар зали.**  
**Тел/факс: (0-371) 150-78-25; e-mail: tta\_2005@mail.ru.**

**Абдусаматов Бобир Закировичнинг 14.00.35 — Болалар хирургияси ихтисослиги бўйича «Бо-лаларда қорин бўлиши аъзолари эхинококкозиди даволаш ва таъхислашни такомиллашти-риш» (тиббийет фанлари) мавзусидаги докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педиатрия тиббийет институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Тиб.29.01 рақамли илмий кенгаешинг 2017 йил 23 октябрь кунини соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
**Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй.**  
**Тел/факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com.**

**Ўлдошов Шерзод Абдуллаевичнинг 02.00.05 — «Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чи-қариш кимёси ва технологияси» ихтисослиги бўйича «Микрокристаллик ва кукурсион цел-люлоза асосида куйи қовушқоқли карбоксиметилцеллюлозанинг олиниши, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологияси» мавзусидаги (техника фанлари) фалсафа доктори (PhD) диссертаци-ясининг ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 рақамли илмий кенгаешинг 2017 йил 12 октябрь кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
**Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-Б уй.**  
**Тел/факс: (0-371) 241-85-94, 241-26-60; e-mail: polymer@academy.uz.**

**Каримов Сардорбек Хожибоевичнинг 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар ихтисос-лиги бўйича «Коллаген ва фиброиннинг акрил мономерлари билан пайванд сополимерланиши» мавзусидаги (кимё фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси По-лимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 рақамли ил-мий кенгаешинг 2017 йил 12 октябрь кунини соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.**  
**Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7-Б уй.**  
**Тел/факс: (0-371) 241-85-94, 241-26-60; e-mail: polymer@academy.uz.**

Ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари ўткази-лаётган ёнгинлар профилактикаси тадбирла-ри корхона-ташкilot ва муассасалар, аҳоли хонадонлари, маҳалларда ёнгин хавфсиз-лигини таъминлаш, бу борада фуқароларнинг огоҳлиги ва ҳушёрлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёнгин хавфсизлиги бўлимлари, ҳарбийлашган ёнгин хавфсизлиги отряд ва қисмлари томонидан ту-ман ҳокимлиги, фавқулодда вазиятлар, ички иш-лар бўлимлари билан ҳамкорликда маҳаллалар, ташкilot, корхона ва муассасаларда профилак-тик тадбирлар ўтказилди.

Ёнгин профилактикаси тадбирлари доирасида аҳоли хонадонини, давлат тасарруфидаги ташкilot ва тадбиркорлик субъектларининг ёнгин хавф-сизлиги ҳолати ўрганилди. Тадбирлар давомида ёнгин хавфсизлиги ва ёнгиннинг олдини олиш бўйича уй эгалари ҳамда масъул шахсларга зар-ур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ёнгин хавфсизли-ги қоидаларини бузган хонадонларда камчилик-лар аниқланиб, жойида бартараф этилди.

Бу каби профилактика тадбирлари натижасида аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа ташкilotларда ёнгин билан боғлиқ но-хуш ҳолатлар камайишига эришилди.

Атхам КЕНЖАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, сержант,  
Бахтиёр АБДУЮСУПОВ,  
Баҳром МАДУМАРОВ,  
23-ҲЕХК смена бошлиқлари





**«ELXOLDING»**  
 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!  
 «Элхолдинг» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси барчангизни Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан самимий кутлайди!**



**Сизларга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, омад ва зафарлар тилаймиз!**



Маҳсулот сертификатланган.  
 Хизматлар лицензияланган.

**Ma'rifat**

TA'SIS  
 ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
 O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi  
 Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
 Indeks: 149, 150. G-915. Tiraji 33688.  
 Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
 qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:  
 qabulxona — 233-50-55;  
 kotibiyat — 233-99-15;  
 reklama va marketing bo'limi —  
 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»-dan  
 materiallarni ko'chirib  
 bosish tahririyat ruxsati  
 bilan amalga oshirilishi  
 shart.

Tahririyatga kelgan  
 qo'lyozmalar taqdir  
 qilinmaydi va muallifga  
 qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
 100083, Toshkent shahri,  
 Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
 Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
 Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
 Navbatchi muharrir:  
 Abror UMARQULOY.  
 Navbatchi:  
 Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
 Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
 O'zA yakuni — 22.37 Topshirildi — 00.20

1 2 3 4 5 6